

## ҲАДИСЛАР – ДИНИЙ-ФАЛСАФИЙ ВА СОЦИОГУМАНИСТИК ТАЪЛИМОТ

**Дилфуза Камоловна ЖУМАНИЁЗОВА**

доцент

фалсафа фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

Тошкент давлат юридик университети

Тошкент, Ўзбекистон

dilfuzakamol74@gmail.com

### **Аннотация**

Мақолада диний-ирфоний билимлар асосларидан бири бўлган ҳадислар инсонийлик манбаи сифатида таҳлил этилиб, ҳадислардаги қисқа, лўнда фикрлар маънавий баркамоллик излаётган ёшлар учун ибрат мактаби бўла олиши назарий жиҳатдан ёритиб берилган.

**Таянч сўзлар:** ҳадис, инсонийлик, ахлоқ, ислом дини, суннат, жамият, оила.

## ХАДИСЫ – РЕЛИГИОЗНО-ФИЛОСОФСКАЯ И СОЦИОГУМАНИСТИЧЕСКАЯ КОНЦЕПЦИЯ

**Дилфуза Камоловна ЖУМАНИЁЗОВА**

доцент

доктор философии (PhD) по философским наукам

Ташкентский государственный юридический университет

Ташкент, Узбекистан

E-mail:dilfuzakamol74@gmail.com

### **Аннотация**

В статье анализируются хадисы, являющиеся одной из основ религиозно-мистических знаний, как источник гуманизма, и теоретически объясняется, что короткие, лаконичные мысли в хадисах могут быть школой подражания для молодежи, ищущей духовного совершенства.

**Ключевые слова:** хадис, человечество, мораль, ислам, сунна, общество, семья.

Маълумки, ҳадислар Қуръони каримдан кейин турадиган иккинчи муқаддас манбадир. Муҳаммад (с.а.в.) бирор гап айтган ёки бирор ишни ибрат қилиб кўрсатган ёки бирор ишни маъқулламай, ман этган бўлса, ушбу уч ҳолат ҳақидаги битиклар, ёзувлар сунна ёки ҳадислар деб аталади. Ҳадисларда ислом дини аҳкомлари, яъни фарз, вожиб, суннат, мустаҳаб, ҳалол, харом, макруҳ, мубоҳ кабилардан ташқари, ахлоқ-одобга доир кўрсатмалар ҳам талқин қилинади. Уларда ибодатни даъват этиш билан бирга инсоний

фазилатлар ҳам кенг ташвиқ қилинади, инсонийлик шаънига доғ туширадиган разил фазилатлар қораланади» [11].

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, ислом динидаги «бағрикенглик ва инсонпарварлик ғояларини тараннум этиш, унинг тинчлик ва барқарорлик, динлар ва миллатлараро тотувлик тамойилларига асосланган дин эканлигини кенг тарғиб қилиш, мусулмон мамлакатлари бирдамлигини мустаҳкамлаш, умумий ислом меросини асраб-авайлаш йўлида ҳамкорликни кучайтириш керак» [1].

Ислом дунёсида ҳадисшунослик илми мавжуд. Унга кўра, Муҳаммад (с.а.в.)нинг айтганлари ва ҳаракатларидаги ибратли жиҳатларни келгуси авлодларга етказиш уларни маънавий баркамолликка етаклайди. Ислом оламида машҳур ва энг ишончли ҳадислар тўплаган муҳаддислар Ўрта Осиёдан чиққанлар. Улар Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий (810-870 йиллар), Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий (824-892 йиллар), Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Абд ар-Раҳмонал-Доримий ас-Самарқандий (797-868 йиллар) ва Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Язид ибн Можжа (824-886 йиллар) ҳисобланади. Лекин, давр тақозосидан келиб чиқиб, уларнинг барча адабий мероси араб тилида яратилган. Мустақиллик йилларида буюк муҳаддислар Имом ал-Бухорий, ат-Термизийнинг тўплаган ҳадислари, йирик исломшунос ва илоҳиётшуносларнинг асарлари ўзбек тилига таржима қилинди, шу тариқа улар оммалашиб, бетакрор маънавий хазинамиздан жой олди. Энг муҳим жиҳати шундаки, ҳадислар ибрат мактаби, одоб-ахлоқ сабоқлари сифатида исломда инсонийлик ва илоҳийликнинг нақадар бир-бирига омукта, уйғун келишини кўрсатади.

Профессор М.Имомназаров қайд этганидек, миллатимизнинг «маънавий камолоти муайян маънода, ҳар бир шахснинг ўзлигини таниш йўли билан ўзига хос мутаносиблик касб этади. Биринчи қадам – Суннанинг шаклланишидир. Қуръони карим Пайғамбаримиз – Ҳазрати Муҳаммад (с.а.в.) орқали нозил бўлди ва мўминларга етиб келди. Демак, уни англаб етиш

борасидаги биринчи уриниш ҳам Расулуллоҳ ибрати орқали бўлиши табиий эди» [5].

Ушбу даврни М.Имомназаров сунна, ибрат босқичи деб атайди. У ёзади: «100 йилдан камроқ вақт ичида (IX асрда) минтақанинг буюк алломалари томонидан 6 ишончли ҳадислар тўплами яратилди ва уларни ислом дунёси эътироф этди. Бу икки аср меҳнатини Сунна босқичи деб номлаш мумкин. Бу босқични тавҳид эътиқоди маънавий камолотида ибрат босқичи деб атасак, бизнингча, асл моҳиятга мувофиқ келади» [5].

Ҳақиқатан ҳам, ҳадислардаги қисқа, лўнда фикрлар ёки улуғ кишиларнинг деганлари маънавий баркамоллик излаётган ёшлар учун ибрат мактаби бўла олади. Чунки «инсон туғилиб, ёруғ дунёни идрок этишни бошлар экан, дастлаб, атрофидагилардан, айниқса, ёши улуғлардан ибрат олиб, маънавий камолот касб эта боради. Бу ўринда ота-она, ака-опалари, кейинроқ боғча ва мактабга борганда устозлари унинг учун биринчи навбатда ибрат мактаби бўлади. Айтиш лозимки, бола катталарнинг қуруқ насиҳатларидан кўра, уларнинг ҳаётдаги хатти-ҳаракатларидан кўпроқ ибрат олади. Шу сабабли ота-онанинг, устозларнинг фарзанд ва шогирд маънавий такомилли борасида масъулиятлари ўта жиддий. Пайғамбаримиз(с.а.в)нинг ҳар бир сўзлари, хатти-ҳаракати ҳам ушбу мезонда мўминлар учун ибрат бўлиб келган» [5].

Шуни қайд этиш ўринлики, ҳадисларда инсон ҳаёти, эътиқоди, бурчи ва амаллари ҳақида ранг-баранг фикрлар келтирилади, гоҳо уларни қатъий бир тизимга, доирага солиш мушкул, шунинг учун биз бор диққатимизни тадқиқот объектига қаратиш билан чекланамиз.

Имом ал-Бухорийнинг машҳур «Ал-Жомийъ ас-Саҳих» асари Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламга нечук ваҳий кела бошлагани ҳақидаги ҳадисдан бошланади. Унда ёзилишича: «Яҳё ибн Саъид ривоят қиладирлар: Умар ибн ал-Хаттоб минбарда турганларида «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг деганларини эшитганман», – дедилар: «Дарҳақиқат, барча амаллар ниятга яраша бўлғусидир. Кимки ҳижратдан нияти дунё топмоқ эрса,

дунёга эришғуси, кимки хижратдан нияти хотин олмоқ эрса, хотинга никоҳланғусидир. Демак, не ниятда хижрат қилғанлиғи эътиборга олинғусидир» [2]. Бу ўринда билдирилаётган фикр шундаки, инсон амалга оширадиган амаллар, ишлар қалбда, онгда пайдо бўлади, ният орқали эса ташқарига чиқади. Эзгу ният эзгу амалларга, бадният бад қилиқларга бошлайди. Шунинг учун ҳадисларда «Қачонки хаёлингиздан бирор шубҳали фикр ўтса, уни тарк этинг, дейилади» [3]. Шубҳа Аллоҳнинг мавжудлигига, Яккаликка, иймон-эътиқоднинг кучига қарши қаратилган. Ким шубҳа қилса, у бир кунмас бир куни шум, бад ниятга боради, унинг ўйида, қалбида Яратганнинг муқаддаслигини, мутлақлигини рад этиш фикри уйғонади, натижада иймон ўрнини иймонсизлик, худо ўрнини иблис, шайтон эгаллайди. Мутасаввуф ал-Ғаззолий ёзади: «Қалбда икки хил туртилиш (қўзғалиш, илҳом) бўлади. Бирини малаклар қўзғайди – яхшиликка ва ҳақиқатларни тасдиқлашга даъват этади. Ким буни (туртилишни) ҳис этса, билсинки, у Аллоҳдандир. Аллоҳга ҳамд ўқисин. Иккинчисини душман қўзғайди – ёмонликка бошлайди, ҳақиқатларни инкор этади ва яхши иш қилишга йўл бермайди. Ким бундай туртилишни ҳис этса, шайтоннинг зулмидан Аллоҳга сиғинсин» [9]. Ушбу ҳадисни таҳлил этиб, файласуф ёзади: «Шайтоннинг васвасасини фақат у васваса берган нарсадан бошқа бир нарсани зикр этиш орқали даф қилиш мумкин. Чунки қалбга бир фикр кирганда, ундан олдин қалбда бўлган фикр чиқиб кетади, унинг ўрнини бу янги келгани эгаллаб олади. Шайтон Аллоҳдан ва Аллоҳга тааллуқли бўлган нарсалардан бошқа ҳар бало билан қалбга васваса сола олади. Фақат Аллоҳ номи ва Аллоҳга тегишли нарсалар зикр қилинаётган жойда шайтон васваса беролмайди» [9].

Бошқа бир ҳадисда дейилади: «Мўмин кишининг яхши нияти қилган амалидан ҳам афзалдир. Мунофиқ кишининг қилган яхши амали дилидаги ёмон ниятидан афзалдир. Ҳар бир киши ўз ниятига қараб иш тутаяди. Мўмин киши қачон бирон эзгу иш қилса, дили равшанлашаверади» [9]. Демак, шум, бад ниятли киши қалбига шайтон ҳукмрондир. У иймон, эътиқод, Аллоҳ кучига, қудратига ишониш, Аллоҳнинг меҳр-мурувватли эзгу амаллар ва эзгу

ниятларга етакловчи эканини англаши, ишониши орқали иблис, шайтон васвасасидан халос бўлиши мумкин. «Анас ибн Малик ривоят қилади: Аллоҳ Расули буюрдилар: – Шайтоннинг бурни одамзоднинг қалби устидадир. Агар киши Аллоҳни зикр этса, у синади. Агар Аллоҳни унутса, шайтон унинг қалбини албатта қўлга олади. Шайтон, одамзоднинг қон айланадиган томир йўлларида кезиб юради. У кезиб юрадиган йўллари очлик қилиш орқали олиб ташлаш мумкин. Ҳадиснинг шарҳи қуйидагича: – Очлик нафсоний орзуларни синдиради. Шайтоннинг йўллари эса нафсоний истак ва орзулардир. Нафсоний орзулар қалб атрофини ўраб олиши – бу ерда шайтон иш кўраётганини билдиради» [9].

Ҳадисларда инсонийликнинг юксак белгиларидан бири сифатида ота-онага меҳр, иззат кўрсатиш, уларга хушмуомала бўлиш тилга олинади.

Ислом дини кишини қариндош-уруғларидан узоқлашиб кетишини қоралайди, силаи раҳм қилмасликни гуноҳ деб билиш, ўз қавмидан, элидан ва мусулмонлардан йироқлашиб кетмасликка чақиради. Аҳиллик, иноқлик йўқ жойда кишилар инсонийликни унутади, мол-мулк, фаҳш, амвол учун бир-бирини маҳв этишдек гуноҳ қилишдан қайтмайди. «Бакр ибн ал-Хорис ал-Ансорий (розиёллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади. У киши Расулуллоҳдан: «Ё Расулуллоҳ, мен яхшилигимни кимга қилишим керак?» деб сўрадилар. Расулуллоҳ (с.а.в.): «Онангга, отангга, опа-сингилларингга, ака-укаларингга ва яқин кишиларингга. Бу иш зарурий бурч ва узилмаслиги керак бўлган қариндошлиқдир», дедилар» [4]. Бошқа бир ҳадисда «Силаи раҳм қилмайдиган киши жаннатга кирмайди» [4] дейилса, яна бирида эса «Уруғ-аймоқларингиздан узоқлашиб кетманг, уларга силаи раҳм қилинг! Мен Аллоҳ Таоло номи билан қасамёд қилиб айтаманки, бир киши ўз биродари билан ораларида бир нарса (ёмон сўз) ўтади. Агар улар ораларидаги қариндошлик алоқаси борлигини билганларида эди, албатта бир-бирларига журъат қилишдан ва шаънига тегишдан ўзларини сақлаган – эҳтиёт қилган бўлардилар» [4] дейилади. Шунга яқин фикрни ал-Ғаззолий ҳам келтиради. У ёзади: «Бухорий ва Муслим қайд этадилар: – Қон-қариндошлик алоқаларини

узганлар (силаи раҳм қилмаганлар) жаннатга кирмайди. Ҳар пайшанба ва жума кечаси одамларнинг амаллари тўғрисида Аллоҳга хабар берилади. Шунда силаи раҳм қилмаганларнинг яхши амаллари Аллоҳ томонидан қабул этилмайди» [9].

Кўришиб турибдики, қон-қариндошлик алоқалари, силаи раҳм ҳар бир киши, мусулмон учун инсоний бурчдир. Чунки ўз яқинларини севмаган киши узоқдагиларни севолмайди, ўз қариндош-уруғларининг аҳволдан беҳабар юрган, уларга ёрдам қўлини чўзмаган, бегоналарга ёрдам бермайди, уларнинг ҳолидан хабар олмайди. Чунки Расулуллоҳ дейди: «Эй мусулмонлар жамоаси, Аллоҳдан кўрқинг: ёмон феъл-атворларингизни яхши феъл-атворларга айлантинг, қон-қариндошлик алоқаларини давом эттиринг, силаи раҳм қилинг. Чунки, оламда энг тез савоб олиб келадиган нарса силаи раҳмдир. Зулмдан сақланинг, зеро, жаннатнинг ҳиди минг йиллик масофадан сезилади, лекин Аллоҳ номига онт ичиб айтаманки, ота-онасини ранжитган, қон-қариндошлик алоқаларини узган, улғайиб қолгани ҳолда зиногарлик қилган ва кўшнисига такаббурлик қилган одамлар жаннатнинг ҳидини туймайдилар. Маҳобат ва буюклик Аллоҳга ярашади.

Ислом етим-есирларни бошини силашга, ёрдамга, муҳтож оилаларга хайр-эҳсон кўрсатиб туришга даъват этади. Шундай инсонийлик бурчини адо этадиган киши Тангри таоло хуш кўрадиган инсондир. Исломга кўра, «Бева хотинлар ва мискинлар рўзғорига (ёрдам қилиш учун) ҳаракат қилувчи киши Аллоҳ Таоло йўлида жиҳод қилувчилар ва кундузи рўзадор, кечаси ибодат билан машғул бўладиган кишилардек савобга эгадир» [4]. Расулуллоҳ: «Эридан бева қолиб, болаларни тарбия қилишда сабр этган ва турли машаққатларга учраганидан ранги сарғайиб кетган хотин билан жаннатда шундай бўламиз» – деб икки бармоқларини бир-бирига жипс қилиб кўрсатдилар» [4]. Демак, ислом динига кўра, «Кимки ўзининг ёки бировларнинг етим болаларини то вояга етказиб, мустақил ҳаёт кечирадиган бўлгунларича тарбия қилса, унга жаннат муқаррардир» [3]. Ат-Термизий эса Муҳаммад (с.а.в.) «хасталар ҳолини сўрамак учун ётган ерларига борур

эрдилар. Дилдорликлар қилур эрдилар ва жанозаларига ҳозир бўлур эрдилар» [4], деб хабар беради.

Кўришиб турибдики, инсонпарварлик, етим-есирларни қаровсиз, ёрдамсиз қолдирмаслик, хаста, касалманд, дили ўксик кишиларнинг ҳолидан хабар олиб туриш ҳар бир мусулмоннинг, тақводорнинг бурчидир. Албатта, ушбу бурч мутлақ талаб тарзида қўйилмайди, умуман ҳадисларда бундай талаб, ҳукм йўқ. Аммо, панд-насихат, ўғит, ахлоқий ибрат, инсонийликка даъват ҳар бир мусулмонга, тақводорга тушунарлидир.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг «Мусталаҳул ҳадис» ва 37 жудан иборат «Ҳадис ва ҳаёт» асарлари мавзумизга оид жуда катта манбалар ҳисобланади. «Мусталаҳул ҳадис», шайх фикрига кўра, «ривоят қилинган хабарнинг тўғри ёки нотўғри эканлигини аниқловчи, тўғри бўлса, қай даражада тўғри, нотўғри бўлса, қай даражада нотўғри эканлигини яхшилаб баён қилиш қоидаларини ўз ичига олувчи илмдир. Бу улкан ҳақиқатни, ҳатто Калом душманлари ҳам тан олганлар» [7].

Ҳадислардаги ижтимоий-ахлоқий ғоялар динийликдан кўра, дунёвийликка эга, уларда жамият билан инсон, кишилар ўртасидаги алоқалар рационал, ислом этикасига мувофиқ ташкил этишга қаратилган. Эзгуликнинг улуғланиши, кишиларни аҳил, иттифоқ бўлиб яшашга даъват Аллоҳга эътиқод билан уйғун қаралади. Улар исломий одоб доирасидадир. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг «Ҳадис ва ҳаёт» китобида “Одоб одамларни мақталган нарсаларга чақиргани учун одоб деб номланган” деган фикр келтирилади. «Мақтовга сазовор сўз ва амални истемол қилиш одобдир» [8].

Ҳадисларда тилга олинадиган масалалар доираси беҳад кенг, кўпдир. Уларнинг барини очиб бериш учун махсус, кенг тадқиқот ўтказиш талаб этилади. Уларда қайд этилган масалалар, ҳатто уларда гоҳо диний догматика устун келганда ҳам, инсонийлик ва илоҳийлик уйғунлиги концепциясига қурилган. Ҳатто кўп ҳадисларда инсонийлик, дунёвийлик устун туради, бироқ улар концептуал нуқтаи назардан яхлит қаралганда ислом догматикасига – Аллоҳнинг ягоналиги ва Муҳаммад (с.а.в.) унинг Расули эканини тан олиш,

яъни ташаххуд, намоз, рўза, закот ва ҳаж рукнига бўйсундирилгандир. Шу нуқтаи назардан, уларга теологик, дин фалсафаси объектлари сифатида қаралади.

Ҳадисларнинг энг маъқул жиҳати уларнинг ҳаётийлигидадир. Инсонлар азалдан эзгулик, адолат, меҳр-муҳаббат, ахил ва иноқ яшаш, меҳнат қилиб кун кўриш, бир-бирини қўллаб-қувватлаш каби ахлоқ-одоб нормаларининг ижтимоий ҳаётдан чуқур жой олишига эришиш ҳақида бош қотириб, фикр билдириб келадилар. Ушбу азалий муаммоларга муносиб жавоблар ҳадисларда етарлича топилади.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш-давр талаби. <http://uza.uz/oz/politics/vatanimiz-ta-dir-i-va-kelazhagi-y-lida-yanada-amzhi-at-b-lib--15-06-2017/>
2. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. 1-китоб. Ҳадис. Ал-Жомий ас-саҳиҳ (ишонарли тўплам). – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1991.
3. Ахлоқ - одобга оид ҳадис намуналари. – Тошкент: Фан, 1990.
4. Имом Исмоил ал-Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад (Адаб дурдоналари). – Тошкент: Ўзбекистон, 1990.
5. Имомназаров М. Ислому ва маънавий камолот босқичлари / Ислому: бағрикенглик ва мутаассиблик. – Тошкент, 1998. – 94 б.
6. Ибраҳимова Д. Ислому динида адолат тушунчасининг талқини: монография. – Тошкент: ТДЮУ, 2021.
7. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Мусталаҳул ҳадис. – Тошкент: Шарқ, 2011.
8. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва ҳаёт. 37 жуз. – Тошкент: HILOL-NASHR, 2019.
9. Ғаззолий, Абу Ҳомид. Мукошафат-ул қулуб (Қалблар кашфиёти) Иккинчи китоб. – Тошкент: Минҳож нашр, 2004. – 200 б.



10. Djumaniyazova D. Insoniylik va ilohiylik uyg'unligi: monografiya. – Тошкент: IMPRESS MEDIA, 2022. – 124 b.

11. Ҳикматуллаев А., Мансуров А. Муқаддима (Ахлоқ - одобга оид ҳадис намуналари.) – Тошкент: Фан, 1990.